**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун**
**ШАРТНОМА**

20 22 йил 06.01 15600354 -сон Наманган ш.
(шартнома тузилган манзил)

Наманган шаҳар **"Марказ"** электр таъминоти корхонаси **"ишончнома"** асосида фаолият юритувчи раҳбари Ж.Халилов (кейинги ўринларда
( электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

**"Корхона"** деб аталади) бир томондан ҳамда _Низом_ асосида фаолият юритувчи ИБСТ
("Истеъмолчи"нинг номи)

раҳбари Ш.Мирзаахмедов (кейинги ўринларда
("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

**"Истеъмолчи"**деб аталади),ҳисоб рақами - 15600354 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартнома предмети**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш**

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив ________ кВт.с. реактив 2111 кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 9499950 сўмни, тариф(лар) бўйича 450
*(тариф (нарх) табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 сон рўйхатида кўрсатилган махсус ҳисоб чиқариш ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиги ёзилсин)*

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.